

# МАМЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯЛарНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Базаров Хуршид Мирзажанович  
Давлат солиқ қўмитаси Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш  
департаменти деректори  
E-mail: [x.bazarov@soliq.uz](mailto:x.bazarov@soliq.uz)

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиши тартибини такомиллаштириш йўллари батафсил ёритилган. Ўзбекистонда ресурс солиқлари ҳамда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш асосида солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** бюджет сиёсати, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, кўчмас мулкка солиқ солиши, солиқ солиши обьектларини баҳолаш, кўчмас мулкка солиқ солиши тизимлари.

## Кириш

Хозирги жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнида мамлакатимизда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирив ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиши тартибини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, иқтисодиётда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанигининг зарур даражасини таъминлаш, солиқ ер ости бойликларини асраш уларни солиққа тортишнинг янги мезон ва механизmlарини такомиллаштириш, айрим субъектларга имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида номутаносибликлар пайдо бўлиши, рақобат муҳитининг ўзгариши, уларнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолаш масалалари муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

## Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Барулин ва бошқалар (2004) фикрича: "Солиқ сиёсати давлат томонидан умумиқтисодий сиёсат доирасида солиқ жараёнларини бошқариш соҳасида стратегик ва тактик чора-тадбирлар комплексини ифодалайди ва ушбу босқичда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим натижаларга эришиш учун солиқ-бюджетни тартибга солиши ва назорат қилиш вазифаларини максимал даражада амалга оширишга йўналтирилган таъсир".

Смирнов (2013) солиқ таҳлилига қуйидагича таъриф берган: "Солиқ таҳлили деганда – корхонанинг ресурс салоҳиятини (потенциалини) ҳар томонлама ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш ва солиққа тортишнинг таъсири даражаси, ҳамда аниқ даврда корпоратив солиқ сиёсатини таснифлашда фойдаланадиган қоида ва усуллар йиғиндиси тушунилади.

Кўплаб хорижий мамлакатларда қўлланиладиган бир қатор умумий қоидалар мавжудлигига қарамай, уларнинг ҳар бирида кўчмас мулкни баҳолаш амалиёти ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Кўчмас мулкнинг бозор нархини аниқлаш учта ёндашувга асосланади: даромадли, харажатли ва қиёсий. Даромадли ёндашув. Ушбу ёндашув бошқалардан қўйидаги усуллари билан ажralиб туради: капиталлаштириш усули ва пул оқимларини дисконтлаш усули (кўчмас мулк қийматини баҳолашда

йиллик ижаралар чегирилади). Бундай ёндашув Буюк Британияда, Францияда турли хил ўзгаришларда құлланилади (Грибовский ва бошқалар, 2010).

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш үсулларидан фойдаланилди. Қиёсий үсулдан фойдаланилиб, Ўзбекистонда ресурс солиқлари ҳамда солиқ имтиёzlаридан самарали фойдаланиш асосида солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат үсулида ўзлаштириш, замонавий үсуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қиди्रув ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги “Геология-қиди्रув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-6319-сон Фармони тасдиқланди. Мазкур Фармон билан, 2022 йил 1 январдан бошлаб муҳим тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металлар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар обьектлари бўйича геологик ўрганиш ёки аввал ўрганилган ер қаъри участкасида қазиш ишлари учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилади. Бунда сотув суммаси ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун бонус суммаси сифатида қаралади ва танлов савдолари ташкилотчиларининг харажатларини чегирган ҳолда республика бюджетига ўтказилади. Бундан ташқари, танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Фармоннинг 3-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб:

а) геология-қиди्रув ва (ёки) изланиш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиш обьекти ҳисобланмаслиги;

б) ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилиниши;

в) геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови қўйидагиларга яни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига - 70 %, вилоят маҳаллий бюджетига-15 %, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига -15 % йўналтирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, 4-бандида Геология-қидиրув ишларини амалга оширувчи юридик шахслар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қўйидагилардан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида углеводород конларини аниқлаш ва қидиришни амалга оширувчи маҳаллий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги ПФ-2598-сон Фармонининг 4-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган имтиёzlар татбиқ қилиниб, геология-қидиրув ишларини амалга оширувчи юридик шахсларга қўшилган қўймат солиғи суммасини қоплаб бериш Солиқ кодексига асосан, ариза берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Фармонинг 5-бандида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, табиий газни экспортга реализация қилишда акциз солиғи ставкаси ноль фоиз миқдорида белгиланади.

Ушбу Фармонинг 7-бандида манфаатдор вазирлик ва идоралар Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритиш вазифаси юклатилди:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини нефть ва табиий газ бўйича 10 фоизгача, олтин ва мис учун 7 фоизгача, вольфрам учун 2,7 фоизгача ва уран учун 8 фоизгача камайтириш. Бунда углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни, шунингдек, маҳсулот тақсимотига оид битимлар (агар 2021 йил 1 сентябрга қадар кучга кирган битим ва шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) доирасида қазиб олишни амалга оширувчи давлат улушкига эга корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг оширилган ставкалари белгиланиши мумкинлигини;

ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғини жорий этишни;

янги нефть ва газ қудукларини, саноат усулида фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки икки йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш, кейинги уч йилда ушбу солиқ учун белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизига камайтирилган ставкани қўллашни;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ва экспертларни жалб қилган ҳолда, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартибини янада такомиллашибтириш. Бунда, 2021 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда табиий газ, нефть ва айрим турдаги бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базаси уларни ташиш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтирилиши белгилаш;

норуда фойдали қазилмалар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини унификация қилиш;

рента даромади солиғини тўловчи чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарга солиқ ҳисобини АҚШ долларида юритиш ҳуқуқини бериш белгиланди.

#### 1-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ–6319-сон Фармони бўйича жорий қилинган пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳисобланган солиқ тўғрисида маълумот**

(млн.сўм)

Т/Р	Маҳсулот тuri	Давлат корхоналари		Хориж корхоналари		Фарқи
		Фармон қабул қилингунга қадар	Фармон қабул қилингандан сўнг	Фармон қабул қилингунга қадар	Фармон қабул қилингандан сўнг	
<b>Жами</b>		1982751,8	1979411,3	612601,6	324701,9	-287899,8
1	Нефть	91159,2	91159,2	355737,7	228472,6	-127265,0
2	Ностабил газ конденсати	307229,5	306565,9	43471,0	21735,5	-21735,5
3	Табиий газ	1582 647,4	1579980,2	213393,0	74493,7	-138899,2
4	Утилизация қилинган табиий газ	1715,7	1705,9	0,0	0,0	0,0

*Манба: муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди*

1-жадвал таҳлилидан кўриш мумкинки, ПФ–6319-сонли Фармон ижроси бўйича Давлат ва хорижий корхоналар кесимида ўрганилганда жами Фармон

қабул қилингунга қадар Давлат корхоналари 1982751,8 млн.сўмни, Фармон қабул қилингандан сўнг 1979411,3 млн.сўмни, Хорижий корхоналарида эса Фармон қабул қилингунга қадар 612601,6 млн.сўмни, Фармон қабул қилингандан сўнг 324701,9 млн.сўмни ташкил этган бўлса Фармонда берилган имтиёзлар ҳисобиги корхона ихтиёрида 287899,8 млн.сўм қолади. Нефт корхоналарини таҳлилини ўрганганимизда эса Давлат корхоналари 91159,2 млн.сўмни, Фармон қабул қилингандан сўнг 91159,2 млн.сўмни, Хорижий корхоналарида эса Фармон қабул қилингунга қадар 355737,7 млн.сўмни, Фармон қабул қилингандан сўнг 228472,6 млн.сўмни ташкил этган бўлса Фармонда берилган имтиёзлар ҳисобиги нефт корхоналарнинг ихтиёрида 127265 млн.сўм қолади. Бу эса мамлакатимизда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилшга имкон беради.

## 2-жадвал

### Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ЯИМдаги улуши тўғрисида маълумот

Т/р	Тайёр маҳсулот	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил	2021 йил (кутилаётган)
1	ЯИМ	млрд.сўм	511800,0	580200,0	717918,2
2	Ҳисобланган солиқ	млрд.сўм	12471,7	15 528,8	15 754,2
	Тушум	млрд.сўм	14 692,9	16 429,6	15 754,2
3	ЯИМдаги улуши (тушум б-ча)	%	2,9	2,8	2,2

*Манба: муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди*

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ЯИМдаги улуши ўрганилганда ЯИМдаги улуши (тушум) 2019 йилда 2,9 %, 2020 йил 2,8 %ни, 2021 йил якуни бўйича 2,2 %ни ташкил этиши кутилмоқда. Ҳисобланган солиқларни таҳлил қиласиган бўлсак 2019 йилда 12471,7 млрд.сўмни 2020 йилда 15528,8 млрд.сўмни, 2021 йил якуни бўйича 15754,2 млрд.сўм ҳисобланиши прогноз қилинмоқда.

Бундан ташқари ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби кўрадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 454- моддасига асосан ер қаъридан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисбот давридан кейинги ойнинг 20- санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда, жисмоний шахслар томонидан — йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай тақдим этилади.

Шунингдек, солиқ ҳисботи солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда фойдали қазилмалар бўйича эса — қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига тақдим этилиши лозим.

Тайёр маҳсулотларнинг рўйхати Солиқ кодексининг 452-моддасида акс эттирилган. Цемент ишлаб чиқарувчи заводлар, шунингдек цемент хом ашёси – оҳактошни реализация қиласиган ер қаъридан фойдаланувчилар белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлайди. Цемент ишлаб чиқариш учун кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

Кодекснинг 451-моддасида фойдали қазилмадан ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай фойдали қазилмалар учун солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмани ишлаб чиқариш таннархини 20 фоизга оширган ҳолда аниқланиши баён қилинган.

### **Хуроса ва таклифлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб Солиқ кодексининг 78- моддасининг иккинчи қисмга “Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти солиқ солиш мақсадларида ҳисобни ҳисоблаш усули бўйича миллий валютада юритади. Шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун махсус рента солиғи тўловчилари ҳисобланган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар солиқ солиш мақсадида солиқ ҳисобини ҳисоблаш усули бўйича АҚШ долларида юритиш ҳуқуқига эга.” жумласини киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Солиқ кодексининг 454<sup>7</sup>-моддасига тартибида солиш предметига қараб солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби 454<sup>4</sup>-моддасидан кўчирилиб, “Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби. Солиқ ҳисоботлари тақдим этилаётган санада чет эл валютасида ифодаланган солиқ базаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютага айлантирилади” жумласини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади .

### **Фойдаланилган адабиётлар**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Fafur Fulom нашриёт ўйи 2020.- 640 б.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).

Смирнов Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов комерческой организации. Автореферат дисс.к.э.н. Орел,2013.10 с.

Барулин С.В., Макрушин А.В., Тимошенко В.А. (2004) Налоговая политика России. – Саратов: Сателлит, 167 с.

Едронова В.Н., Мамыкина Н.Н. (2005) Сущность и элементы налоговой политики // Финансы и кредит. №5. – с. 37-40.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги “Геология-қидирив ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–6319-сон Фармони